

Доимий комиссиянинг навбатдаги сайёр мажлиси ўтказилди



Мажлисда туман Адлия бўлими бошлиғи Ф.Рахмонов, бўлимнинг юридик хизмат кўрсатиши маркази бошлиғи Б.Улашев, туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази директори А.Алламуродов ҳамда тумандаги вакант (бўш) иш ўринлари мавжуд ташкилотлар раҳбарлари ва ходимлар билан ишлашга масъул ходимлари иштирок этишди. Мажлисда туман ташкилотларида ҳозирда мавжуд вакант (бўш) иш ўринлари, ишга жойлаштириш ҳолати, ходимлар билан меҳнат муносабатларига киришишда учраётган муаммолар муҳокама этилди, мазкур йўналишда мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича ҳуқуқий тушунтиришлар берилди.